



## XALQ DEPUTATLARI NAMANGAN VILOYATI KENGASHINING Q A R O R I

19 “dekabr” 2020 y.

Namangan shahri

76/14-06-sonli

### **“Наманган сув таъминоти” масъулияти чекланган жамиятининг ичимлик суви ва канализация хизматлари тарифларини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ичимлик сув таъминоти ва оқова сув тизимини янада такомиллаштириш ҳамда соҳадаги инвестиция лойихалари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 25 сентябрдаги ПФ-6074-сон Фармонининг 3-банди, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигига 2020 йил 17 июль куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган вазифалар ижросини сўзсиз таъминлаш мақсадида, Наманган вилояти Молия бош бошқармасининг 2020 йил 3 ноябрдаги 01-14/20-05-32/2393-сон, Наманган вилояти Монополияга қарши кураш бошқармасининг 2020 йил 26 октябрдаги 01-03/1980-сон хulosалари ва “Наманган сув таъминоти” МЧЖнинг 2020 йил 4 ноябрдаги 01/1356-сон мурожаатини инобатга олиб, “Махаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 24-моддаларига асосан халқ депутатлари вилоят Кенгаши

### **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ичимлик сув таъминоти ва оқова сув тизимини янада такомиллаштириш ҳамда соҳадаги инвестиция лойихалари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 25 сентябрдаги ПФ-6074-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2020 йил 19 августдаги 01-22/1324-сон топшириги ижро учун қабул қилинсин.

2. “Наманган сув таъминоти” масъулияти чекланган жамияти директори вазифасини вақтинча бажарувчи А.Сулеймановнинг ичимлик суви

ва канализация хизматлари тарифлари юзасидан тақдимоти маълумот учун қабул қилинсин.

3. “Наманган сув таъминоти” масъулияти чекланган жамияти томонидан ичимлик сув таъминоти ва канализация хизматлари учун таклиф этилган нархлар (тарифлар) иловага мувофиқ маъқуллансин.

4. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (С.Султанов)га “Наманган сув таъминоти” масъулияти чекланган жамияти (А.Сулейманов), туман (шахар) ҳокимликлари билан биргаликда:

вилоятда хўжалик юритувчи субъектлар, аҳолини тоза ичимлик суви ва оқова (канализация) сувидан мавжуд қарздорлигини қисқартириш ва уларни ошиб кетишига йўл қўймаслик чораларини кўриш;

хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли хонадонларини ичимлик сувини ҳисоблаш ускуналари билан тўлиқ таъминлаш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш;

вилоят аҳолисининг марказлашган ичимлик суви таъминотига бўлган талаб ва эҳтиёжларини ўрганиб бориш, маҳаллаларда сув таъминотидаги узилишларни олдини олиш ҳамда куз-қиши мавсумида ичимлик суви таъминотини барқарор етказиб берилишини назорат қилиш топширилсин.

5. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (С.Султанов), вилоят маҳалла ва оилани қўллаб-куватлаш бошқармаси (М.Аппаков), вилоят уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси (Қ.Беккўзиев), “Наманган сув таъминоти” масъулияти чекланган жамияти (А.Сулейманов)га туман (шахар) ҳокимликлари, сектор раҳбарлари ҳамда ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан биргаликда:

ичимлик сувидан самарасиз ёки ноқонуний фойдаланишларни олдини олиш;

вилоят аҳолисини тоза ичимлик суви билан узлуксиз таъминлаш борилишини ташкил этиш ва таъминлаш чораларини кўриш;

ичимлик суви тармоқларининг барқарор ишлашини таъминлаш;

сув назоратчилари масъулиятини янада ошириш ҳамда уларни рағбатлантириб бориш тизимини жорий этиш;

ташкилотнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, соҳада кўрсатилаётган хизматлар даражасини яхшилаш, тармоқдаги авария ҳолатларини ўз вақтида бартараф этиш;

хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолини тоза ичимлик сувидан бўлган мавжуд қарздорлигини қисқартириш борасида тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ишларни ташкил этиш ҳамда ичимлик суви, канализация

ва иссиқлик таъминоти учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш бўйича тарғибот ва тушунтириш ишларини олиб бориш топширилсин.

6. Вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати (А.Абдувалиев), вилоят ахборотлаштириш ва оммавий коммуникациялар бошқармаси (А.Эргашев), вилоят телерадиокомпанияси (М.Мақсадов), “Наманган ҳақиқати” (А.Саттаров) ва “Наманганская правда” (О.Инамов) газеталари таҳририятига ичимлик суви бўйича тасдиқланган дастурлар доирасида олиб борилаётган ишларни доимий равишда оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

7. Мазкур қарор “Наманган ҳақиқати” ва “Наманганская правда” газеталарида эълон қилинсин ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин. Ушбу қарор иловасидаги маъқулланган тарифлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда тасдиқлангандан сўнг, расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринbosари (С.Султанов) ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал хўжалиги масалалари ва аҳолига хизмат кўрсатиш доимий комиссияси раиси А.Иминов зиммасига юклансин.

Сессия раиси

О.Маматкаримов



Халқ депутатлари  
Наманган вилояти Кенгашининг  
2020 йил “19” декабрдаги  
76/14-06-сон қарорига ИЛОВА

**“Наманган сув таъминоти” масъулияти чекланган жамиятида ичимлик  
сув таъминоти ва канализация хизматлари учун нархлар (тарифлар)**

№	Хизмат тури	Истеъмолчи гурухи	Ўлчов бирлиги	Нархни тартибга солувчи орган тақлифи (КҚС ва маҳсус устамасиз, сўмда)
1	<b>Ичимлик суви</b>	1-гурух (аҳоли) учун	метр куб	2550
		2-гурух (бюджет ташкилотлари) учун	метр куб	3315
		3-гурух (улгуржи истеъмолчилар) учун	метр куб	3315
1	<b>Оқова сув (Канализация)</b>	1-гурух (аҳоли) учун	метр куб	700
		2-гурух (бюджет ташкилотлари) учун	метр куб	875
		3-гурух (улгуржи истеъмолчилар) учун	метр куб	875